

Фарғона ш.

2022 йил “1” айдан

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уйжой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Фарғона вилоят ҳудудий филиали томонидан Низомга асосан М.Мамадувалиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «Гейзер Ф.А» МЧЖ номидан Низом асосида директори **Ф.Исроилов** иккинч томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича **Фарғона вилояти Бешариқ туман Бўстон МФЙ Наврўз кўчаси №4-сонли кўп қаватли уйларни жорий таъмирлаш ишларини** смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг (**2022 йил “28” мартағи Лот№ 52086-сон баённома**) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда КҚС билан **64.552.438** (олтмиш тўрт миллион беш юз эллик икки минг тўрт юз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни **45** кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сұғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактингчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### **IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофик Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофик пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 50 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга бўлган ҳолда аванс ўтказади, бу **19.365.731** (*Бир юз ўн тўйқиз миллион уч юз олтмиш беши минг етти юз ўттиз бир*) сўм ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача микдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

## **VI. Ишларни бажариш**

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнода ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исобласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарib ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидаң қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **VII. Ишларни қўриқлаш**

34. Пудратчи обьектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равиша узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласди.

38. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **IX. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш**

39. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

40. Обьектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 45 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## X. Кафолатлар

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда ўрнатилган маҳсус болалар ўйинчоқлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади. Объектда ўрнатилинадиган болалар ўйинчоқларининг кафолат ва уларга сервис хизматини кўрсатиш муддати 24 ой этиб белгиланган.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Фарғона вилоят иқтисодий судида кўриб чиқиласди.

## XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:

- шартнома қучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

#### 49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи курилиш соҳасида назорат инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фаргона вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. Алоҳида шартлар**

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган холда икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хуқуқий кучга киради.

#### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”	“ПУДРАТЧИ”
<p><b>“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Фарғона вилоят ҳудудий филиали</b></p> <p>Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шахри, Мустақиллик кўчаси 30 уй. СТИР: 307915635 Л/С: 4001 2186 0304 0170 6990 2110 002 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги Тошкент ш. МБББ ХХКМ МФО: 00014, СТИР: 201422919</p> <p>Директор:  М.Мамадувалиев</p> 	<p><b>«Гейзер Ф.А» МЧЖ</b></p> <p>Манзил: Фарғона вилояти Марғилон шахар Ал-фарғоний кўчаси 55-уй тел (90) 580-90-05 СТИР: 307963363 “Хамкор Банк” Марғилон шахар филиали МФО: 00991 х/р: 2020 8000 9053 1525 2001</p> <p>Директор:  Ф.Исроилов</p> 

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хукукий экспертизадан ўтказиш

Буюртмачи раҳбари: **М.Мамадувалиев**

Пудратчи раҳбари: **Ф.Исройлов**

Юридик хизмат кўрсатувчи: **Х.Эралиев**

томунидан тузилаётган 2022 йил “*1*” айнада *17/5* - сон шартнома, умумий суммаси ККС билан **64.552.438** (олтмиш тўрт миллион беш юз эллик минг тўрт юз ўттиз саккиз) сўм килиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,


### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, ушбу курилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хукукига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов кобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аникладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.



Хукукшунос (Буюртмачи ташкилот):

  
Х.Эралиев

20 \_\_ йил

Хукукшунос (Пудрат ташкилот):



Исройлов



20 \_\_ йил



MANZIL: 716634 Oltiariq tumani, Qapchug'ay qishlog'i, Sharq tongi ko'chasi H/R: 20208 00060 44272 50001

ATIB "Ipoteka Bank" MFO:00544 Fargona shaxar bo'limi, INN: 205 745 947

MANZIL OFIS: Toshkent shaxar Yashnabod tumani Shaxrisabz kochasi №85 уй. (Yengilsanoat loyixa binosi)

№6 от 26.03.2022 йил

Фарғона вилояти Ғазначилик  
бошқармаси бошлиғи А.Гайиновга

Сизга шуни маълум қиласизки, “Курилиш лойиха экспертиза синов” МЧЖ томонидан ЧП «Qurilish Moliya Servis» хусусий корхонаси тайёрлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июньдаги ПҚ-5152-сонли қарорининг З-иловаси ижроси юзасидан 2022 йилда Фарғона вилоятидаги кўп қаватли уйларнинг туташ худудларини ободонлаштириш ишлари смета хужжатларини белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикасида амалдаги тегишли меъёрий хужжатларга асосланиб, кўриб чиқилган ҳамда ижобий хulosалар тақдим қилинган.

Ушбу смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги 579-сонли қарорига асосан I тоифадаги объектлар туркумига мансуб бўлиб, “Курилиш лойиха экспертиза синов” МЧЖ томонидан берилган экспертиза хulosаси ҳамда талаб этилган хужжатлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Ягона Давлат реестридан (reestr.mc.ru) ўтказиш учун электрон тартибда юкландигини маълум қиласиз.

(Хозирда Ягона Давлат реестридан Модератор томонидан куриб чиқилмокда)

“Курилиш лойиха экспертиза синов” МЧЖ


раҳбари:

Д.И.Мирзарахимов



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАРГОНА ВИЛОЯТИ  
ОЛТИАРИК ТУМАНИ

«КУРИЛИШ ЛОЙИХА ЭКСПЕРТИЗА СИНОВ»  
МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FARG'ONA VILOYATI  
OLTIARIQ TUMANI

«QURILISH LOYIHA EKSPERTIZA SINOV»  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

MANZIL: 716634 Oltiariq tumani, Qapchug'ay qishlog'i, Sharq tongi ko'chasi H/R: 20208 00060 44272 50001  
MFO 00544 ATIB "Ipoteka Bank" Fargona shaxar bo'limi, INN: 205 745 947



«УТВЕРЖДАЮ»  
Директор ООО «Курилиш  
лойиха экспертиза синов»

Д. Мирзарахимов.  
30 сентября 2021 года.

Номер лицензии: №КЛЭ 000109  
от 28.12.2020 года

## ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ №95-4-19/21 (ЭКСПЕРТНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ)

ПО РАССМОТРЕНИЮ СМЕТНОЙ ЧАСТИ РАБОЧЕГО ПРОЕКТА: «ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ КРОВЛИ В  
ЖИЛОМ ДОМЕ №4 В МСГ БУСТОН ПО УЛ. НАВРУЗ БЕШАРИКСКОГО РАЙОНА  
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ»  
(3-этап. Лот №16)

**Заказчик на экспертизу:**

ЧП «Qurilish Moliya Servis»

**Источник финансирования**

Бюджетные средства

**Проектная организация:**

ЧП «Qurilish Moliya Servis»

**Номер лицензии:**

№АЛ-000342 от 18.11.2019 г. выданное  
Министерством Строительство  
Республики Узбекистан.

**Главный инженер проекта:**

М.Касимов.

**Год разработки:**

2021 год.

## **1. ОСНОВАНИЕ ДЛЯ РАЗРАБОТКИ РАБОЧЕГО ПРОЕКТА:**

- 1.1 Письмо-заказ.
- 1.2. Действующая на территории Республики Узбекистан сметно-нормативная база.
- 1.3. Дефектный акт.

## **2. МАТЕРИАЛЫ, ПРЕДСТАВЛЕННЫЕ НА РАССМОТРЕНИЕ:**

- 2.1. Книга 1. Сметная документация:

- Структура прямых и прочих затрат.
- Локальные ресурсные ведомости и ведомости потребных ресурсов.
- Дефектный акт.

## **3. СМЕТНАЯ ЧАСТЬ.**

Расчетная стоимость объекта «Текущий ремонт кровли в жилом доме №4 в МСГ Бустон по ул. Навруз Бешарикского района Ферганской области» определена в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 261 от 11 июня 2003 года «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений», постановлением Кабинетом Министров от 12 мая 2004 года №226 «О внесении изменения в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и правилами определения стоимости строительства в договорных текущих ценах – ШНК 4.01.16-09. В основе расчета использован «Ресурсный метод».

Прямые затраты подрядчика	51186,6	тысяч сум
Прочие расходы и затраты подрядчика	7877,6	тысяч сум
Прочие затраты и расходы заказчика	4776,8	тысяч сум
Транспортно-заготовительные расходы	7%	
Коэффициент риска	0%	

## **4. ЗАМЕЧАНИЯ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ ЭКСПЕРТИЗЫ:**

- 4.1. В прочих затратах подрядчика удельный вес «Прочих затрат» определен в размере 15,39 %, согласно письма ИК «Служба единого заказчика» Ферганской области.
- 4.2. Заработка плата рабочих-строителей составляет 12448,68 сум чел/час с учетом соц.страха, согласно письма ИК «Служба единого заказчика» Ферганской области.
- 4.3. Транспортные и заготовительно-складские расходы на стройматериалы приняты 3%.
- 4.4. По статье «Затраты на эксплуатацию машин и механизмов» исключена стоимость бортовых автомобилей.
- 4.5. Заявленные затраты на строительные материалы, изделия и конструкции уточнены согласно «Каталога текущих цен на строительные материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан» за 2-й квартал 2021 года, выпускаемый Центром по экономическому реформированию и ценообразованию в строительстве Госкомитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству.
- 4.6. В результате экспертизы заявленная расчетная стоимость в сумме 72918,0 тысяч сумм снизилась на 2414,2 тысяч сумм и определена в сумме 70503,8 тысяч сумм с НДС, в том числе затраты заказчика 4776,8 тысяч сумм.


## ВЫВОДЫ:

ООО «Курилиш лойиха экспертиза синов» рассмотрев представленный рабочий проект: «Текущий ремонт кровли в жилом доме №4 в МСГ Бустон по ул. Навруз Бешарикского района Ферганской области» Рекомендует к утверждению со следующими показателями в текущих ценах:

(тысяч сум)

<i>Наименование статей затрат</i>	<i>Заявленная стоимость</i>	<i>Рекомендуемая стоимость</i>
Строительные материалы и изделия с учетом транспортно-заготовительных расходов	46760,1	45012,0
Эксплуатация машины и механизмы	82,0	16,5
Кабельно-проводниковая продукция	0	0
Оборудования	0	0
Затраты на основную зарплату с учетом соц.страха	4344,6	4344,6
Итого прямых затрат	51186,6	49373,1
Прочие затраты подрядчика	7877,6	7598,5
Страхование объекта	189,0	182,3
Коэффициент риска	0	0
<b>Всего стоимость строительства без НДС без затрат заказчика</b>	<b>59253,3</b>	<b>57153,9</b>
<b>Всего стоимость строительства с НДС без затрат заказчика</b>	<b>68141,2</b>	<b>65727,0</b>
Затраты заказчика	4776,8	4776,8
<b>Всего стоимость строительства с НДС и с затратами заказчика</b>	<b>72918,0</b>	<b>70503,8</b>

**Примечание:** В условиях рыночных отношений «Экспертное заключение...» имеет рекомендательный характер и используется для предварительных переговоров или для использования при проведении конкурсных торгов и не является основанием для договора подряда или взаиморасчетов между сторонами. Окончательное решение принимает заказчик по согласованию с подрядчиком.



*М.Бозеев*

Б.Мирзарахимов